

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРМАТОВА АЗОДА АБДУХОЛИҚОВНА

**АТРОФ МУҲИТ ОБЪЕКТЛАРИ ТАРКИБИДАГИ РУХ ВА
ҚЎРҒОШИН ИОНЛАРИНИ СУЛЬФАРСАЗЕН АЗОРЕАГЕНТИ
БИЛАН АНИҚЛАШНИНГ СОРБЦИОН-СПЕКТРОСКОПИК
АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**11.00.05 - Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Эрматова Азода Абдухолиқовна

Атроф муҳит объектлари таркибидаги рух, кўрғошин ионларини сульфарсазен азореагенти билан аниқлашнинг сорбцион-спектроскопик аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш..... 3

Эрматова Азода Абдухолиқовна

Разработка методов сорбционно-спектроскопического определения ионов цинка, свинца в составе объектов окружающей среды азореагентом сульфарсазеном 17

Ermatova Azoda Abduxoliqovna

Development of methods for sorption spectroscopic determination of zinc and lead ions in the composition of environmental objects by the azoreagent sulfarsazene 31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 34

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРМАТОВА АЗОДА АБДУХОЛИҚОВНА

**АТРОФ МУҲИТ ОБЪЕКТЛАРИ ТАРКИБИДАГИ РУХ ВА
ҚЎРҒОШИН ИОНЛАРИНИ СУЛЬФАРСАЗЕН АЗОРЕАГЕНТИ
БИЛАН АНИҚЛАШНИНГ СОРБЦИОН-СПЕКТРОСКОПИК
АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**11.00.05 - Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2 PhD/К330 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий Университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tkti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сманова Зулайхо Асаналиевна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кулматов Рашид Анорович
кимё фанлари доктори, профессор

Абдурахмонов Эргаш
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02 рақамли илмий кенгаш "09" 08 2022 йил соат "12" даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011 Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871)244-79-20 факс: (99871) 244-79-17; E-mail: info@tkti.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (131 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, (Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси. 32. Тел.: (99871) 244-79-20)

Диссертация автореферати 2022 йил "08" 07 да тарқатилган.
(2022 йил "08" 07 даги 21 - рақамли реестр баённомаси)



Б.Ш. Усмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Б.Х. Кучаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Р.С. Сайфутдинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда антропоген ифлосланиш ҳисобланувчи заҳарли металлларнинг атроф-муҳитга тарқалиши, экологик муаммоларнинг сезиларли даражада ортишига сабаб бўлмоқда. Оғир ва заҳарли металллар атроф-муҳитни асосий ифлослантирувчилари ҳисобланади, уларнинг миқдорини назорат қилиш муҳим экологик-таҳлилий вазифадир. Шу жумладан, кўрғошин ва рух ионларини аналитик реагентлар асосида аниқлашнинг селектив, қайта такрорланувчи, сезгир замонавий услубларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда оғир металлларни аниқлашда ультрамикромикдорларини таҳлил қилишга имкон берадиган кўплаб физик ва физик-кимёвий усуллар яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада толасимон ташувчиларга органик реагентларни иммобиллаш орқали заҳарли металлларни рухсат этилган чегаравий миқдор ва ундан кам даражада аниқлаш, аналитик ва функционал фаол гуруҳлари зарур сезгирликни оширувчи усулларни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда оғир ва заҳарли металлларни аниқлашнинг сорбцион-спектроскопик усулларни ишлаб чиқиш, атроф-муҳит объектларининг ифлосланиш мониторингини такомиллаштириш, соддалаштириш бўйича муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «иктисодиётга инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш, мис ва рухни чуқур қайта ишлаш эвазига юқори кўшилган қийматли маҳсулот турларини кўпайтириш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада атроф муҳит объектларини мониторинг қилишда маҳаллий хомашёлардан олинган толасимон ташувчиларга иммобилланган аналитик тавсифларга эга органик реагентлардан фойдаланиш, металлларнинг сифатини ҳамда тозалик даражасини тизимли назорат қилишни мақбуллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-60-сонли «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 3 октябрдаги ПҚ-3956-сонли «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом-ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармони

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан ўзаро боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Атроф муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Захарли металлларни аниқлашнинг аналитик технологияларни ривожлантириш, элементларни аниқлашнинг сезгир ва валидацион усулларини ишлаб чиқиш, имобиллаш жараёнларини ривожлантириш бўйича Ю.А. Золотов, С.Б. Саввин, Г.М. Мясоедов, А.М. Геворгян, Э. Абдурахманов, Р.Х. Джиянбаева, Б.Д. Кабулов, М.А. Насимов, И.П. Шестерова ва бошқалар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан, замон талабларга жавоб берадиган аниқлашнинг такомиллаштирилган усулларини ишлаб чиқиш, гранулали ион алмашувчилар билан тўлдирилган полиакрилонитрил толали сорбентлар олиш, қаттиқ фазада иммобилизация қилинган органик реагентлар ёрдамида ноёб-ер, оғир, нодир металлларни аниқлаш учун сорбцион-спектроскопик усуллар ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, толасимон ташувчиларга иммобилланган аналитик тавсифларга эга органик реагентлар олиш, иммобилланган сульфурсазен реагентининг рух ва кўрғошин ионлари билан ҳосил қилган комплекслари барқарорлигини аниқлаш, захарли ва оғир металлларни аниқлашнинг сорбцион-спектроскопик усулларини ишлаб чиқиш, кимёвий сенсорлар ва элементларни аниқлашнинг тест-усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотини олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий Университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 2-2/2021 «Тошкентдаги Хонобод ҳудудидаги ишлаб чиқариш корхонасидаги оқава сувлар таркибини ўрганиш ва уларни тозалаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш» (2021-2023 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади полимер ташувчиларга иммобилланган сульфурсазен азореагенти ёрдамида кўрғошин ва рух (II) ионларини сорбцион-фотометрик аниқлаш тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сульфурсазен азореагентининг толали сорбентларга иммобиллашнинг мақбул шароитларини танлаш;

иммобилланган сульфурсазен реагентининг рух ва кўрғошин (II) ионлари билан комплекс ҳосил қилиш реакцияларининг оптимал шароитларини топиш;

ҳосил бўлган комплекс бирикмаларнинг барқарорлик константаларини, таркибини, комплекс ҳосил бўлиш механизми ИҚ- ва нур қайтариш спектроскопияси усуллари ёрдамида аниқлаш;

Zn ва Pb(II) ионларини аниқлаш учун сорбцион-спектроскопик усул ишлаб чиқиш ва тўғрилиги, аналитик ва метрологик тавсифларини аниқлаш;

ишлаб чиқилган рух, кўрғошин ионларини аниқлашнинг сорбцион-фотометрик усулини турли бинар, учламчи ва мураккаб аралашмалари ва экологик объектлар: оқава сув, тупроқ анализидида қўллаш.

Тадқиқот объекти сифатида саноат корхоналари чиқинди ҳамда оқава сувлари, ифлосланган тупроқ, ичимлик сувларидан фойдаланилган.

Тадқиқот предмети захарли бўлган металллар рух ва кўрғошин ионлари, уларнинг бирикмалари ҳамда полиакрилонитрил толаси асосида иммобилланган сорбентлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. ИҚ-, рентген-флуоресцент ва нур қайтариш спектроскопик анализ усуллари, потенциометрик титрлаш, элементлар таҳлили, электрон спектроскопия ёрдамида аниқлаш, сорбция усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

функционал ва аналитик-фаол гуруҳлар тузилишига боғлиқ ҳолда органик реагентларни иммобиллашнинг аналитик тавсифлари аниқланган;

иммобилланган реагентларни рух ва кўрғошин ионлари билан кимёвий аналитик хоссаларига асосланган таъсирлашиш механизми, функционал-фаол гуруҳларнинг жойлашишига ва ион-координацион боғларнинг характериға боғлиқлиги исботланган;

рух ва кўрғошиннинг ионларға ҳалақит берадиган бирға учрайдиган катионлар ва анионларни таъсири топилган;

рух ва кўрғошин ионларини иммобилланган органик реагентлар ёрдамида сорбцион-спектрофотометрик аниқлашнинг янги усуллари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сульфарсазен реагентини модификацияланган толали сорбентига иммобиллашнинг мақбул шароитлари аниқланган;

полимер ташувчиларға иммобилланган сульфурсазен азореагенти ёрдамида кўрғошин ва рух (II) ионларини сорбцион-фотометрик аниқлаш тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги замонавий физик-кимёвий усуллар: ИҚ-спектроскопия, потенциометрик титрлаш, элемент ва аналитик таҳлиллардан, экспериментал маълумотларға статистик ишлов беришда замонавий назарияларидан фойдаланилганлиги, назарий ва тажриба тадқиқот натижаларининг ўзаро мутаносиблиги билан изоҳланади ҳамда тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сульфурсазен азореагентининг толали сорбентларға иммобиллашган реагентларни рух ва кўрғошин ионлари билан кимёвий аналитик хоссаларига асосланган, ион-координацион боғларнинг характериға боғлиқ функционал-фаол гуруҳлари жойлашган аниқлашнинг аналитик тавсифлари яратилганлиги билан асосланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти аналитик кимё ва экологик муаммолар ечишға хизмат қиладиган, рух ва кўрғошин ионларини аниқлашнинг сорбцион-фотометрик усуллариининг атроф-муҳит объектлари анализида қўлланилиши ва захарли металлларни аниқлашнинг тезкор усули тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Атроф-муҳит объектларида

рух ва қўрғошин ионларини аниқлаш ва ажратиб олишнинг янги сорбцион-фотометрик усулини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

иммобилланган органик реагентлар ёрдамида рух ва қўрғошин ионларини аниқлашнинг сорбцион-фотометрик усули Олмалик КМК амалиётга жорий этилган (Олмалик КМК АЖнинг 2021 йил 4 майдаги 000/8829-сон маълумотномаси). Натижада тупроқ ва чиқинди сувларда рух ва қўрғошин ионларини тезкор миқдорий аниқлаш имконини берган;

рух ва қўрғошин ионларини аниқлашнинг сорбцион-фотометрик усули «Пенг-Шенг» Ўзбекистон-Хитой Қўшма корхонасида амалиётга жорий этилган. («Пенг-Шенг» ҚК нинг 2021 йил 2 августдаги Z/156-сон маълумотномаси). Натижада саноат чиқиндилари таркибидаги рух ва қўрғошин ионларини аниқлашнинг усулларини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 10 та, жумладан, 4 та халқаро ва 6 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шулардан шулардан 8 таси - Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрлардаги мақолалар, жумладан, 6 таси хорижий ва 2 таси республика журналларда, халқаро ва республика анжуманларида 10 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мақсади ва вазифалари асосланган, объект ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Экологик омил сифатида оғир металл ионларини одам организмига ва атроф-муҳитга таъсири ва рух, қўрғошин ионларини аниқлаш усуллари**» деб номланган биринчи бобида рух ва қўрғошин ионларининг инсон организмига токсикологик таъсири, физик кимёвий усуллар ёрдамида уларни аниқлаш, иммобиллаш учун ишлатиладиган баъзи ташувчиларнинг тавсифлари, табиатига кўра турлича бўлган сорбентлардан фойдаланиш, уларни сорбцион-спектроскопик усулларда қўлланилиши бўйича мавжуд маълумотларнинг таҳлили келтирилган.


Атроф муҳит объектларда иммобилланган реагентлар ёрдамида оғир заҳарли металлларни аниқлаш натижалари тизимлаштирилди. Рух ва қўрғошин ионларини аниқлаш учун синтез қилинган органик реагентларнинг толасимон

сорбентларга иммобилланиши ўрганилмаганлиги ва илк бор бу ишлар бажарилганлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Рух ва кўрғошин ионларини аниқлашда ишлатилган асбоб-ускуналар ва реактивлар, эритмаларни тайёрлаш усуллари, реагент синтези, толали сорбентлар**» деб номланган иккинчи бобида материаллар, асбоблар ва тадқиқот усуллари, рух ва кўрғошин ионларини ишлатиладиган стандарт ва ишчи эритмаларини ҳамда реагентларни тайёрлаш ва стандартлаш усуллари, буфер эритмаларни тайёрлаш усуллари келтирилган. Органик реагентларни толали сорбентларга иммобиллаш, сорбцион ҳамда десорбция хоссалари, ҳисоблаш усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш келтирилган. Ишни бажаришда органик реагентлар танлаб олинган. Уларни рух ва кўрғошин ионлари билан комплекс ҳосил қилиши ўрганилган ҳамда контрастлик, селективлик бўйича фарқи катта бўлган реагент танлаб олинган. Танлаб олинган органик азореагентнинг структуравий формулалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ишлатилган органик реагентлар ва уларнинг хоссалари

<p>Сульфарсазен 4-((4-(3-(2-арсоно-4-нитрофенил)триаз-2-енил)фенил)диазенил)бензолсульфонат натрий</p>	<p>$C_{18}H_{14}AsN_6NaO_8S$ 572,32 г/моль</p>	
---	---	---

Диссертациянинг «**Сульфарсазен реагентининг ППА-1 ва СМА-1 толали сорбентларга иммобиллашнинг ва металл ионлари билан комплекс ҳосил булиш оптимал шароитлари танлаш**» деб номланган учинчи бобида (4-((4-(3-(2-арсоно-4-нитрофенил)триаз-2-енил)фенил)диазенил)бензолсульфонат натрий реагентини ППА1 (полиэтилен полиамин билан модификацияланган полиакрилонитрил толаси) ва СМА-1 (гексаметилендиамин билан модификацияланган полиакрилонитрил толаси)га иммобилланиш ва комплекс ҳосил бўлишнинг мақбул тўлқин узунлигини танлаш бўйича олинган маълумотлар таҳлили баён этилган (1-жадвал). Бунда рух ва кўрғошин ионларини аниқлаш учун индикаторли матрицалар сифатида толасимон ташувчида иммобилланган 4-((4-(3-(2-арсоно-4-нитрофенил)триаз-2-енил)фенил)диазенил) бензолсульфо-нат натрий тузидан фойдаланиш имкониятлари ўрганилди ва оптимал шароитлари топилди. АНДБ-(4-((4-(3-(2-арсоно-4-нитрофенил)триаз-2-енил)фенил)диазенил) бензолсульфонатрий азореагентини СМА1 ва ППА1 иммобилланган сорбент толаларини тутиб туриш даражаси 90-98% ва 85-98% ташкил қилиши аниқланди.

Полимер матрицаларда ППА1, СМА1 ва АНДБ лар иммобилланганда улар депротонланиши содир бўлиши аниқланди, бу эса кислотали муҳитларда иммобилланган реагентларни комплекс ҳосил қилувчи хоссаларини амалга

ошириш имконини беради. Рух ва кўрғошин ионларни полимер матрицаларга иммобилланган сульфарсазен билан комплекс ҳосил қилиш реакциялари ўрганилди.

2-жадвал

Сульфарсазен реагенти, иммобилланган сульфарсазен, иммобилланган реагентнинг Me^{2+} билан ҳосил қилган комплексининг оптимал шароитлари ва спектрал тавсифлари

<i>ППА 1 (полиэтилен полиамин билан модификацияланган полиакрилонитрил толаси)</i>					
R – реагент	САА реагент*	ИМР+Zn	ИМР+Pb	$\Delta\lambda_z$ n	$\Delta\lambda_p$ b
315-750	420	520	540	100	120
Буфер эритма Лимон+аммиак (pH)	8-10	8-10	8-10		
Вақт (4-5 мин)	0,40	0,44	0,48		
Иммобилланишга куйилиш тартибининг таъсири		Тола+R+Me +буфер	Тола+R+буфер+Me		
<i>СМА-1 (гексаметилендиамин билан модификацияланган полиакрилонитрил толаси)</i>					
R – реагент	САА реагент*	ИМР+Zn	ИМР+Pb	$\Delta\lambda_z$ n	$\Delta\lambda_p$ b
315-750	420	540	560	120	140
Буфер эритма Лимон+аммиак (pH)	8-10	8-10	8-10		
Вақт (4-5 мин)	0,32	0,34	0,36		
Иммобилланишга куйилиш тартибининг таъсири		Тола+R+Me +буфер	Тола+R+буфер+Me		


*АНДБ-(4-((4-(3-(2-арсоно-4-нитрофенилтриаз2-енил)фенил)дiazенил) бензосульфонатрий

Полимер матрица реагентларнинг комплекс ҳосил қилувчи хоссаларига худди эритмадаги каби катта таъсир кўрсатиши аниқланди: комплексларнинг нур ютилиш максимумлари, уларни эритмаларда ютилишига нисбатан батохром силжийди ($\Delta\lambda=100-120$ нм), комплекс ишқорий шароитларда ҳосил бўлади. Комплекс бирикмаларнинг ИҚ спектроскопия ва электрон спектроскопия натижалари асосида иммобиллаш реагентларни сульфо гуруҳи орқали содир бўлиши, комплекс ҳосил бўлишида реагент металл таркиби аниқланди.


ППА1 ва СМА1 толасига иммобилланган АНДБ бирикиш механизмлари ИҚ-спектроскопия усулида ўрганилди. Бунда рух ва кўрғошин ионлари иммобилланган (4-((4-(3-(2-арсоно-4-нитрофенилтриаз2-енил)фенил)дiazенил) бензосульфонат реагенти орқали ҳосил бўлган комплексининг тузилиши реagenнинг толага иммобилланишини ИҚ спектроскопия ёрдамида аниқланди. Avatar-300 маркали асбобда комплексни KBr билан таблетка ҳолатида $400-4000$ cm^{-1} частоталар интервалларида текширилди, олинган ташувчи ва

иммобилланган реагентларни ИҚ-спектроскопик натижалари АНДБ реагенти асосан ППА-1 ва СМА1 толаларига иммобилланиши кузатилди. Реагентнинг ИҚ спектрида 1500-1600 cm^{-1} соҳасида ўзгаришлар кузатилди ва бу АНДБ сульфогурхлар орқали иммобилланиши кузатилди.

Асосий бажариладиган ишимиз бу иммобилланган реагентлар ёрдамида металл ионларини тўлиқ ажратиб олиш ҳамда аниқлашдан иборат. Бир вақтнинг ўзида ҳам ажратиб олиш, ҳам концентрлаш ва аниқлаш амаллари бажарилади. Олинган натижалар иммобилланган реагентсиз бажарилган сорбция жараёни билан солиштирилади ва ишлаб чиқилган “гибрид” усулнинг афзаллиги ва метрологик ҳамда аналитик параметрлари ўрганилди.




1 -расм. (4-((4-(3-(2-арсоно-4-нитрофенилтриаз2-енил)фенил)дiazенил) бензосульфонатрий реагентининг ИҚ-спектри.



2-расм. Иммобилланган (4-((4-(3-(2-арсоно-4-нитрофенилтриаз2-енил)фенил)дiazенил) бензосульфонатрий реагентининг ИҚ-спектри

ППА1-толасига иммобилланган АНДБ реагентнинг ИК-спектри ва АНДБ реагентининг ИҚ-спектри солиштириш натижасида фарқли равишда органик реагент таркибидаги сульфонатрий гуруҳ тола таркибидаги амина гуруҳлар ва иккиламчи амина гуруҳлар билан кимёвий боғ ҳосил қилди. Ҳосил бўлган комплексларнинг ИК таҳлиллари келтирилган. АНДБ органик реагентиди 1560 тескари см соҳада ўзгаришлар 1191 тескари см соҳаларда кузатилди. Иммобилланган АНДБ органик реагенти 1500-1517 тескари см соҳаларда -ОН, -О-As=O боғларига тегишли валент тебранишлар кузатилган.



3-расм. ППА1-толасига иммобилланган АДНБ реагенти билан Рb(II) иони ҳосил қилган комплекснинг ИҚ-спектри

Остромисленский -Жоб усулида олинган эксперимент натижалари. Комплекс ҳосил бўлишида сульфарсазен реагенти ёрдамида Остромисленский-Жоб усули билан тузиш (Изомоляр серияли усули). Комплекс таркибини Остромисленский-Жоб усули билан аниқлашда, металл ва реагент эритмаларининг эквимоляр концентратциялари қўлланилади.

$$C_{Pb^{2+}} = C_{HR} = 4,64 \cdot 10^{-5}$$

Аниқлаш усули: 25 мл хажмли колбада комплекс эритмаси тайёрланади. Бунинг учун 1.0 мл дан 9.0 мл реагент эритмаси, 1.0 мл кўрғошин эритмаси олинган, ва 10 мл лимон кислотасининг аммиакли буфер эритмаси олинади ва дистилланган сув билан хажми тўлдирилади. Эритма аралаштирилади ва оптик зичлик КФК-2, $l=1,0$ см ўлчанади. Таққослаш учун биз реагентни ўзини металл ионлари кўшилмаган экспериментлардан фойдаландик. Ўлчов натижалари 3-жадвалда кўрсатилган.


3-жадвал

Остромисленский -Жоб усули ёрдамида АДНБ билан кўрғошин комплексида моляр нисбатларни аниқлаш ($n=3$)

№	Олинган кўрғошин , мл	Олинган R, мл	Лимон кислотасининг аммиакли буфер эритмаси, мл	A
1.	9,00	1,00	10,00	0.14
2.	8,00	2,00	10,00	0.22
3.	7,00	3,00	10,00	0.42
4.	6,00	4,00	10,00	0.32
5.	5,00	5,00	10,00	0.26
6.	4,00	6,00	10,00	0.24
7.	3,00	7,00	10,00	0.20
8.	2,00	8,00	10,00	0.16
9.	1,00	9,00	10,00	-

Изомоляр сериялар усули ёрдамида R реагенти ва кўрғошин металлини моль миқдори аниқланди. Таҷриба натижалари шуни кўрсатадики, R билан кўрғошин комплекси таркибининг моляр нисбати (Me:R)=2:1 га тенг экан.

Ишлаб чиқилган сорбцион-спектроскопик усулнинг тўғрилигини текшириш учун (4-((4-(3-(2-арсоно-4-нитрофенилтриаз2-енил)фенил)дiazенил) бензосульфонат реагенти ва улар асосида Zn^{2+} ҳамда Pb^{2+} ионларини олинган комплекс бирикмаларнинг рентген-флуоресцент спектрлари келтирилган.




4-расм. (4-((4-(3-(2-арсоно-4-нитрофенилтриаз 3-2-енил)фенил)дiazенил) бензосульфонат реагенти.

Олмалиқ кон металлургия комбинатининг оқава суви анализ учун олинди ва таркибидаги кўрғошин миқдори топилди. Оқава сув таркибида 1,74 мг/л кўрғошин ионлари борлигини кўрсатди ва ишлаб чиқилган усул ёрдамида 88,67% миқдордаги кўрғошин ионларини ажратиш имкони борлиги исботланди.

Тадқиқотлар асосида рух ва кўрғошин ионларини аниқлашнинг ишлаб чиқилган янги сорбцион-спектроскопик усуллари реал объектлар таҳлилида қўллаш мумкинлиги кўрсатиб берилди.

Анализ натижасида СМА-1 га имобилланган сульфарсазен учун 91,4 % миқдорида, ППА-1 га имобилланган сульфарсазен учун 89,4 % миқдорида Pb иони толага тўла сорбиланиши исботланди.

Диссертациянинг «Атроф-мухит объектлари (Сирдарё вилояти Дўстлик ва Жанубий Мирзачўл каналларининг суви таҳлили асосида) рух (II) ва кўрғошин(II) ионларини аниқлашнинг сорбцион-спектроскопик усули ёрдамида мониторинг қилиш» деб номланган тўртинчи бобида Жанубий Мирзачўл ва Дўстлик каналлари сувида рух ва кўрғошин ионларининг миқдорини мавсумий мониторинг натижалари баён этилган.




5-расм. Имобилланишдан олдинги ва кейинги ранг интенсивликлари

Жанубий Мирзачўл канали суви ва суғорилган экин майдон тупроқлари таркибидаги рух ва қўрғошин ионларининг миқдори

Мониторинг натижалари Жанубий Мирзачўл канали сувида рух ионининг миқдори қишда -0.466 мг/л (24.60%), баҳорда -0.486 (26.80%) ёзда -0.405 (22.33%) ва кузда- 0.476 мг/л ёки (26.25 %) ни ташкил этиб, баҳор ва кузда унинг миқдори ортиб ёзда эса камайганлиги аниқланди.


Жанубий Мирзачўл канали сувидаги рух ва қўрғошин ионлари миқдори ўзаро тақосланганида қўрғошин иони рух ионига нисбатан кўп эканлиги аниқланди. Бундай ҳолатнинг қайд этилишини вегетация даврида экин майдонларини суғоришда тузлар миграцияси билан изохлаш мумкин.



6-расм. Жанубий Мирзачўл канали суви ва у билан суғорилган экин майдонлари тупроғидаги рух ва қўрғошин миқдори Дўстлик канали суви билан суғорилган экин майдон тупроқлари таркибидаги рух ва қўрғошин ионларининг миқдори

Дўстлик канали билан суғорилган экин майдони тупроғида кузга келиб рух миқдори камайганлиги 7- расмдаги маълумотлар ҳам тасдиқламоқда. Тупроқ таркибида рух иони қишда 0.09г(100г тупроқда) ташкил этган бўлса, кузга бориб 0.12 гга тенг бўлди. Айнан шундай натижа қўрғошин иони


бўйича ҳам қайд этилди. Қишда 0.12 г ни ташкил этган бўлса, кузда 0.16г (100г тупроқда) тенг бўлди.



7-расм. Дўстлик канали суви билан суғорилган экин майдонлари тупроғидаги рух ва кўрғошин миқдори

Изох: биринчи устун рух, иккинчиси кўрғошин миқдори. Бунда 1(қиш); 2(баҳор) 3(ёз); 4(куз) рақамлар Жанубий Мирзачўл канали, 5(қиш), 6(баҳор), 7(ёз) ва 8(куз) рақамлар мазкур канал сувидан суғорилган экин майдонлари тупроғидаги кўрғошин ва рух миқдори.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб Дўстлик канали сувидаги рух ионининг миқдори ўртача (фасллар кесимида) - 0.169 мг/л ва кўрғошин ионининг миқдори -0.254 мг/л ни ташкил этди. Мазкур каналдан суғорилган экин майдони тупроқлари таркибида рух ионининг миқдори кузда- 0.181 г, ва кўрғошин- 0.157 (г/100 г тупроқда) ни ташкил этди. Оғир металл ионларининг миқдори ёзда камайиб, баҳор ва куз ойларида ортганлиги қайд этилди.



8-расм. Жанубий Мирзачўл ва Дўстлик каналлари сувида ва ушбу каналлар билан суғорилган экин майдонлари тупроғидаги рух миқдори

Изох: диаграмманинг тепасида Мирзачўл, пастсида Дўстлик каналидан олиб таркиби ва у билан суғорилган экин майдонлари тупроғидаги рух миқдори. Бунда 1(қиш); 2(баҳор) 3(ёз); 4(куз) рақамлар Жанубий Мирзачўл

ва Дўстлик каналлари, 5(қиш), 6(баҳор), 7(ёз) ва 8(куз) рақамлар мазкур каналлар сувидан суғорилган экин майдонлари тупроғидаги рух миқдори.

Жанубий Мирзачўл ва Дўстлик канал сувлари ва ушбу каналлар суви билан суғорилган экин майдонлари тупроғи таркибидаги рух ва кўрғошин ионлари миқдори ўртасида ўзаро фарқ қайд этилди. Ушбу каналлар билан суғорилган экин майдонида кўрғошин миқдори қишда 0.29 г тенг бўлган бўлса, Дўстлик канали суви билан суғорилган экин майдони тупроғида 0.09 г(100 г тупроқда) ташкил этди. Айнан шундай устунлик бошқа фасллар бўйича ҳам қайд этилди. Бундай натижани қайд этилиши табиий, чунки Жанубий Мирзачўл каналида рух ва кўрғошин ионлари миқдори Дўстлик каналига нисбатан кўп бўлди.

Кўрғошин ионининг миқдори бўйича олинган натижалардан унинг миқдори фасллар кесимида ўзгарганлигини кўрсатди. Дўстлик каналида кўрғошин миқдори қишда 0.233 мг/л тенг бўлди. Ушбу маълумотларни таққослаганимизда Жанубий Мирзачўл каналида кўрғошин миқдори Дўстлик каналига нисбатан кўп эканлигини кўриш мумкин.

ХУЛОСАЛАР

1. Имобилланган (4-((4-(3-(2-арсоно-4-нитрофенилтриаз2-енил)фенил) диазенил) бензосульфонатрийли тузи рух ва кўрғошин ионлари учун аналитик реагент сифатида таклиф этилди.
2. Рух ва кўрғошин ионларини имобилланган органик реагентлар ёрдамида аниқлашнинг мақбул шароитлари тавсия қилинди. Реагентлар ИК-спектроскопик усуллари ёрдамида аниқланди ва толали сорбентга органик реагентларни имобиллашда OH , $-\text{SO}_3\text{H}$ гуруҳлар орқали шунингдек металл ионлари билан комплекс ҳосил бўлишида эса $-\text{OH}$ ва $-\text{N}=\text{N}$ -гуруҳлар иштирок этиши исботланди.
3. Рух (II), кўрғошин (II) ионларини сувли эрималардан сорбцион концентрлашнинг мақбул шароитлари аниқланди ҳамда оғир металлар ионларини рухсат этилган миқдорини концентрлаш усули ишлаб чиқилди.
4. Рух ва кўрғошин ионларини имобилланган реагентлар билан аниқлашнинг сорбцион-спектроскопик усуллари ишлаб чиқилди ва рақобатбардошлилиги кўрсатилди, олинган тажриба натижаларини бошқа мустақил ва амалиётда кенг қўлланиладиган кимёвий, физик-кимёвий ва бошқа усуллар билан таққослаш орқали афзаллиги билан изоҳланди.
5. Олмалиқ оқава сувидаги ОЗМ ионларини сорбцион-фотометрик усуллар билан аниқлаш ва таклиф қилинаётган усулнинг аналитик параметрлари баҳоланиб ҳамда мониторинги ўтказилди.
6. Тавсия этилган усул реал объектларда Дўстлик канали ва Жанубий Мирзачўл каналларидаги рух ва кўрғошин ионларини аниқлашда синаб кўрилди ҳамда мониторинги ўтказилди. «Олмалиқ» ТМК нинг аналитик лаборатория аналитик лабораторияларида синовдан ўтказилиб, амалиётга тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ЭРМАТОВА АЗОДА АБДУХОЛИКОВНА

**РАЗРАБОТКА МЕТОДОВ СОРБЦИОННО-
СПЕКТРОСКОПИЧЕСКОГО ОПРЕДЕЛЕНИЯ ИОНОВ ЦИНКА И
СВИНЦА В СОСТАВЕ ОБЪЕКТОВ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ
АЗОРЕАГЕНТОМ СУЛЬФАРСАЗЕНОМ**

**11.00.05 – Охрана окружающей среды рациональное использование природных
ресурсов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.2 PhD/К 330.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу Научного совета tkti.uz. и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научные руководители:

Сманова Зулайхо Асаналиевна,
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Кулматов Рашид Анорович
доктор химических наук, профессор

Абдурахмонов Эргаш
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация:

Институт общей и неорганической химии

Защита диссертации состоится «09» 08 2022 г. в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.K/T.04.02 при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, Ташкент, ул. А.Навои, 32, Тел.: (99871)244-79-20; факс: (99871) 244-79-17. e-mail: info@tkti.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института. (зарегистрирован под номером 131). Адрес: 100011, Ташкент, ул. А.Навои, 32, Тел.: (99871)244-79-20;

Автореферат диссертации разослан «28» 07 2022 г.
(протокол рассылки № 21 от 28.07 2022 г.)




Б.Ш.Усмонов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор педагогических наук, профессор


Б.Х.Кучаров
Учёный секретарь научного Совета по присуждению учёных степеней доктор технических наук., с.н.с


Р.С.Сайфутдинов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор технических наук., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы исследования. Один из самых распространенных видов антропогенного загрязнения в мире, его воздействие на окружающую среду значительно возрастает в результате выброса токсичных металлов в окружающую среду. Они являются основными загрязнителями окружающей среды, и контроль их количества является важной эколого-аналитической задачей. Создание современных методов на основе аналитических реагентов при обнаружении ионов свинца, ртути, цинка и других в различных объектах окружающей среды играет важную роль в селективности, воспроизводимости, чувствительности.

В настоящее время в мире существует множество методов физического и физико-химического анализа, позволяющих проводить анализ ультрамикрочастиц, и проводятся обширные исследования по обоснованию следующих научных решений для разработки методов обнаружения тяжелых металлов. Однако они не всегда обеспечивают требуемую чувствительность анализа, позволяющую определить допустимую предельную величину и менее. В связи с этим необходима разработка новых методов путем выявления механизма участия в этом процессе аналитических и функционально активных групп путем иммобилизации органических реагентов на волокнистых носителях.

В нашей стране необходимость развития сорбционно-спектроскопических методов, повышение уровня загрязнения объектов окружающей среды, большое внимание уделяется мониторингу тяжелых металлов. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы для дальнейшего развития Республики Узбекистан поставлены задачи по «Увеличению номенклатуры продукции с высокой добавленной стоимостью за счет глубокой переработки меди и цинка».¹ В связи с этим целесообразным является контроль качества и чистоты материалов, целенаправленный синтез и иммобилизация органических реагентов с аналитическими характеристиками, приведенных для мониторинга объектов окружающей среды на волокнистых носителях, полученных на основе местного сырья, использование их при обнаружении металлы важны.

Необходимость развития сорбционно-спектроскопических методов в стране, увеличение загрязнения окружающей среды приводят к достижению научно-теоретических результатов в создании систем мониторинга тяжелых металлов. В Новой Стратегии развития Узбекистана по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2022-2026 годы поставлены важные задачи, направленные на «увеличение номенклатуры продукции с высокой добавленной стоимостью за счет глубокой переработки меди и цинка». В связи с этим целесообразен контроль качества и чистоты материалов, в том числе целенаправленный синтез и иммобилизация органических реагентов с волокнистыми носителями, полученными на основе местного сырья, обладающих аналитическими характеристиками для мониторинга окружающей

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития дальнейшего развития Республики Узбекистан»

среды. Поэтому применение иммобилизованных органических реагентов и их применение при определении металлов имеет важное значение.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Настоящая научно-исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан VII. Теоретические основы химии и химической технологии, нанотехнологии.

Степень изученности проблемы. На сегодняшний день существует множество разработанных методов обнаружения токсичных металлов, но с развитием аналитических технологий возрастает потребность в использовании новых подходов и повышении чувствительности и надежности (валидации) обнаружения элементов, одним из которых является твердофазная спектроскопия. метод с использованием иммобилизованных органических реагентов.

